



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - avgust

766a -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Рузиева Дилафрўз Шухрат
қизининг хонадон биносига бўлган
эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Хонқа тумани “Ойдин ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Рузиева Дилафрўз Шухрат қизининг Боғот шаҳарчаси “Абу Райхон Беруний” маҳалла “Табобат” кўчаси 36-уй 9-хонада жойлашган хонадон биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 апрелдаги ШЯ-Ж-1668-сонли аризасини, Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилоят бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 9 апрелдаги 1283-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман ҳокимининг 2019 йил 10 декабрдаги 6448қ-сонли қарорига, “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалининг қабул қилиш топшириш бўйича имзоланган № 9-сонли авизоси, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва хонадонларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласи 36-уй 9-хонада жойлашган 6 (олти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 34,78 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 16,94 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 51,72 квадрат метр ушбу хонадон биносига нисбатан фуқаро Рузиева Дилафрўз Шухрат қизига мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рузиева Дилафрўз Шухрат қизига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу хонадон биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев